Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 155 (4850).
13 ИЮЛЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Қишлоқ — шаҳарга

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Тошкент область Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозининг миришкор деҳқонлари ҳам мамлакатимиз Озиқ-овқат программасини бажариш ишига муносиб ҳисса қўшиш ҳамда аҳоли дастурхонини турли хил мева ва сабзавотлар билан безаш учун кун сайин фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Хўжалик аъзолари бу йил пойтахтимиз аҳолиси учун 6500 тонна сабзавот, 410 тонна мева, 180 тонна картошка етказиб беришга аҳд қилишган.

Ҳозирги кунда совхоз далаларида иш қизғин. Сабзавоткору соҳибкорларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар пишиб етилган турлили хил ноз-неъматларни йиғиб-териб олиб, пешма-пеш шаҳарлик биродарларига жўнатмоқдалар.

Айниқса бу борада Турди Исматхонов, Низом Аҳроров, Раҳмон Норқулов, Тўхта Ўлжаев, Мираҳмад Қурбоновлар етакчилик қилаётган бригада аъзоларининг номини тилга олиб ўтиш ўринлидир. Улар бу йил фидокорона меҳнат қилиб, мева ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришга эришдилар.

Ана шундай миришкор деҳқонларнинг баракали меҳнатлари туфайли хўжалик аъзолари шу кунга қадар шаҳарликлар дастурхонига 4 минг тонна сабзавот, 325 тонна картошка, 471 тонна мева етказиб бердилар.

Айни кунларда хўжалик аъзолари давлатга мева ва сабзавот топшириш ишларини жадаллик билан олиб боришяпти.

Э. ТУЛАГАНОВ.

БЕЛГИЛАНГАН ИНШООТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ҚУРАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН БИНОКОРЛАРИНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФАЛАРИ

«Ўзбек бинокорлари қурилаётган объектларни муддатидан илгари ишга тушириш ташаббусларини неча марталаб кўтариб чиқдилар, энг муҳими шуки, улар доимо ўз сўзларининг устидан чиқдилар».

(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 1982 йил 25 мартда сўзлаган нутқидан).

ТОШКЕНТДА 12 июль куни ўтказилган кенгашда Ўзбекистон бинокорларининг 1982 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари соҳасида кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар муҳокама қилинди. Кенгашда капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи область партия комитетларининг секретарлари ва бўлим мудирлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Халқ контроли комитети, Госплани, Госстройи, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев доклад қилди. Доклад юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров, республика қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Набиев, Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Х. А. Шағазатов, Навоий қурилиш бошқармасининг бошлиғи Г. Б. Саватюгин, республика мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг раиси Н. Г. Қурбонов, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари П. Х. Кан, Қашқадарё область партия комитетининг секретари М. Г. Гулмирзаев, Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Фарғона область партия комитетининг секретари С. Тиллахўжаев қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан ўртоқлар таъкидлаб ўтганидек, ўртоқ Л. И. Брежнев 1982 йил март ойида Тошкентда бўлган вақтида Ўзбекистон бинокорларининг меҳнатига юксак баҳо берган эди. Бу баҳо қурилиш ишлари самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишни, бу соҳадаги мавжуд резервларни тўла-тўкис сафарбар қилишни талаб этади.

Ўзбекистонда юбилей йилнинг биринчи ярмида 1,3 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, қурилиш-монтаж ишлари ва маблағларни ўзлаштириш, уй-жой, мактаб, болалар ва даволаш муассасаларини ишга тушириш планлари бажарилди, суғориладиган ерларнинг мўлжалланган майдонлари фойдаланиш учун топширилди. Лекин шундай бўлса ҳам йиғилиш қатнашчилари асосий эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратдилар. Ишга тушириладиган бир қанча объектларда, шу жумладан, жуда муҳим бўлган баъзи объектларда ҳам планлар бажарилмади. Минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқарувчи қатор корхоналар қурилишида ташвишли ҳолат вужудга келди.

Қурилиш ишларининг ҳамма бўғинларида уюшқоқлик ва пухта ишлашни юксак даражага кўтариш зарур, дейишди сўзга чиққан ўртоқлар, химия иншоотлари қурилишининг боришига алоҳида эътибор бериш, маҳаллий меҳнат ресурсларидан яхши фойдаланиш йўли билан уларни кадрлар билан таъминлаш керак. Бу объектларда қурилиш-монтаж ишлари давлат плани сўзсиз бажарилиши лозим. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қабул қилган Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш учун муҳимдир.

Жиззах, Андижон, Фарғона, Наманганда, республиканинг кўпгина кичик шаҳарлари ва район марказларида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бинокорлари катта марраларни эгаллашлари керак.

Бир қанча шаҳар ва областларда уй-жой қурилишидаги аҳвол ҳануз кескинлигича қолмоқда. Меҳнаткашлар ўз хатлари ва аризаларида уй-жой қурилишидаги камчиликларни ва бу қурилишнинг сифати паст эканлигини ҳақли равишда танқид қиладилар. Савдо, фан, маданият объектлари кўнгилдагидек қурилмаяпти. Сўзга чиққан ўртоқлар таъкидлаб ўтганидек, бундай нуқсонларга дарҳол чек қўйиш керак. Жумладан, меҳнаткашларнинг шахсий маблағлари билан барпо этилаётган кооператив уйларини қуришни тубдан яхшилаш лозим.

Йилнинг иккинчи ярмида республикадаги барча қурилиш ташкилотлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. 3 миллиард сўмлик ишлаб чиқариш фондларини, 2 миллион квадрат метр уй-жой, 80 минг ўринли мактаблар, 20 минг ўринли болалар муассасалари ва бошқа кўп иншоотларни ишга тушириш керак. Иш ҳажми ўсиб боряпти, иш шароитлари эса мураккаблашяпти. Шу боисдан, йиғилишда уқтириб ўтилганидек, ишга тушириладиган иншоотларда иш суръатларини жадаллаштириш керак, ўзаро келишиб олинган графикларни бажариш учун раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш лозим. Қурилиш-монтаж ишларининг сифатига катта эътибор бериш керак.

Кенгашда Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У айтдики, Ўзбекистон бинокорлари йилнинг биринчи ярмида анча кўп ишлар қилдилар. Аммо бу — хотиржам бўлиш учун асос бўлолмайди, чунки анча катта ҳажмдаги ишлар олдинда турибди. Ўртоқ Л. И. Брежнев республикадаги қурувчи коллективларнинг муваффақиятларига юксак баҳо бериш билан бир вақтда ана шу коллективларнинг баъзилари планларни бажармаётганлигини таъкидлади. Қолоқ коллективларнинг ишини яхши йўлга қўйиш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Партиянинг халқ фаровонлигини ошириш планларини, шу жумладан Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш қурилиш-монтаж ташкилотларининг иш даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида қилган докладида агросаноат комплекси қурилишларига муносабатни кескин равишда ўзгартиришни талаб этди. Леонид Ильичнинг ана шу кўрсатмаси қонун бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистон бинокорлари КПСС XXVI съездининг қарорларини бажара бориб халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун кўп иш қилдилар. Бундан буён ҳам шундай иш қилиш лозим. Ҳамма резервлардан фойдаланиш керак: комплектлаш ва иш сифати устидан назоратни яхшилаш, монтаж ишларини тамомлаш билан бирга созлаш ишига киришиш ўртасида узилиш бўлишига йўл қўймаслик, куч ва маблағларни «Б» группасидаги ишга тушириладиган объектларга тўплаш талаб этилади. Маҳаллий меҳнат ресурсларидан фойдаланишни қатъиян яхши йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун партия ва совет органлари ана шу масалага эътиборни кучайтиришлари лозим. Уй-жой қурилишига келганда шуни айтиш кераки, айниқса янги қувватлар ишга тушириладиган йирик саноат марказларида — Олмалиқ, Самарқанд, Жиззахда, бошқа бир қанча шаҳарларда бу соҳадаги қолоқликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу жойларда аҳволни дарҳол яхшилаш зарур.

Қурилиш ишларида мусобақани пухта уюштириш, қурувчилар тўғрисида ғамхўрликни яхшилаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор методларини, жумладан бригада пудратини жорий этиш бўйича қизғин иш олиб бориш — буларнинг ҳаммаси катта ишнинг қирраларидир. Бу соҳада эришиладиган якунлар ишга тушириладиган объектларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришдан иборат бўлиб қолиши керак. Бу — Ўзбекистон бинокорларининг КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга қўшадиган муносиб ҳиссаси, уларнинг умумхалқ байрами — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига меҳнат туҳфаси бўлиши лозим.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. Айтмуротов, М. М. Мусаханов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги подшипниклар ремонти заводининг коллективи республикамиз қишлоқ меҳнаткашларига кўплаб турли подшипникларни етказиб бермоқда. Корхона ишчилари ўртасида СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

СУРАТДА: шу корхонанинг моҳир деталчиси Галина Кашеницина.

М. Нуриддинов фотоси.

Партия ахбороти

ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

Куйбишев район партия комитети Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан меҳнат коллективлари белгилаган тадбирларнинг бажарилишини муттасил назорат қилиб бормоқдалар. Район партия комитети бюросининг навбатдаги йиғилишида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг белгиланган тадбирларни муваффақиятли бажаришга корхона коллективини сафарбар этиш бўйича иш тажрибалари маъқулланди.

Бирлашма коллективи ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини 7 процент оширишга эришди, сўнгги вақтларда учта янги хил буюм ўзлаштирилди. Барча маҳсулотнинг ярмидан кўпроғи бугунги кунда Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Шунингдек, халқ истеъмоли буюмларининг иккита янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бирлашмада меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини ривожлантиришга катта эътибор берилляпти. Ҳозир бирлашмадаги барча ишчиларнинг 50 процентга яқини ана шу илғор усул бўйича ишлашяпти.

Корхонага туташ майдонларни ободонлаштириш бўйича ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Бирлашма меҳнаткашлари учун дам олиш зонаси қурилиши кенг миқёсда олиб борилляпти. Уни Тошкентнинг 2000 йиллигигача битказиш мўлжалланмоқда.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

Район партия комитети бюросида КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялаш бўйича район комсомол комитетининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Район комсомол комитети район партия комитети раҳбарлигида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларда актив ҳаётий позицияни шакллантириш бўйича муайян ишларни олиб борди.

Районда 124 та бошланғич комсомол ташкилотлари бор. Улар ўз сафига 19 мингдан зиёд комсомол аъзоларини бирлаштирган. Район комсомол комитети сўнгги вақтларда бошланғич комсомол ташкилотлари ва комсомол группалари фаолиятини активлаштирди. Улар ғоявий-сиёсий, меҳнат ва аҳлоқий тарбияга эътиборни кучайтирдилар.

Меҳнат коллективлари, мактаб ва ўқув юртлари комсомол ташкилотларининг мустаҳкам билим олиш, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, одоб маданияти учун курашдаги роли ошди. Район ёшларини коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндошишни таъминлашда комсомол сиёсий маорифи ва иқтисодий таълимининг «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга» ленинча синовлари, ёш коммунистлар мактаби, ижтимоий-сиёсий ўқишлар, районда ўтказилаётган касб маҳорати конкурслари ва бошқа оммавий-сиёсий, маданий-оқартув тадбирлари катта аҳамият касб этяпти.

Район комсомол комитети, методик совет ва район комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, комсомол сиёсий маорифи ва ёшлар иқтисодий таълимининг назарий савияси ва таъсирчанлигини оширдилар. 2-автокомбинат, «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўпгина корхоналар бошланғич комсомол ташкилотларида сиёсий ва иқтисодий таълим яхши йўлга қўйилган. «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!» ленинча синовлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда муайян роль ўйнади. Районда ленинча синовларини ўтказиш бўйича 121 та штаб ташкил этилди. 21 мингдан зиёд йигит ва қиз Ленинча синовларнинг биринчи босқичида қатнашдилар ва «Коммунизмни ўрганамиз, коммунизмни қурамиз» шахсий комплекс планларини бажардилар. Заргарлик заводи, 10-поликлиника, 107, 44, 74 ва бошқа мактабларда синовлар юксак уюшқоқлик билан ўтди.

Ленинча синовлар мобайнида ёшлар дам олишни, меҳнат ва маиший турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган кўпгина таклифлар киритишди. Октябрь байрамигача йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиқишди.

«Ленин иши яшамоқда ва тантана қилмоқда», «Пушкинхонлик» сингари ижтимоий-сиёсий ўқишлар ёшлар ўртасида кенг шуҳрат қозонди. 107, 81-мактабларда, молия техникумида, 2-автокомбинатда, республика рус тили ва адабиёти институтида ва бошқа муассасаларда ижтимоий-сиёсий ўқишлар анча қизиқарли ўтди.

Районда 29 та интернационал дўстлик клублари бор. Айниқса, заргарлик, молия техникуми, сут бирлашмаси, 107-мактаб, рус тили ва адабиёти институтларининг интернационал дўстлик клублари иш тажрибаси диққатга сазовордир. Бу ташкилотларда иттифоқдош республикалар, чет эл мамлакатларининг кунлари ўтказилмоқда. Район ёшлари ўртасида ГТО комплекс нормасини топшириш бўйича оммавий-физкультура ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда бюро йиғилишида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, район комсомол комитетининг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш бўйича иши КПСС XXVI съезди ва ВЛКСМ XIX съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга, партиямизнинг комсомол олдига қўяётган талабларига ҳали тўла жавоб бермайди. Ўтказилаётган маданий-оммавий, методик ва бошқа тадбирлар сони кўплигига қарамасдан ёшлар тарбиясига ҳамиша ҳам ҳал қилувчи таъсир ўтказяпти, деб бўлмайди.

Ленинча синовларни ўтказишни уюштириш пайтида район озиқ-овқат савдоси бўлими, ошхоналар трести, Тошкент сут бирлашмаси, 18-парк ва бошқа баъзи корхоналар комсомол ташкилотларида бу ишга юзаки ёндошиш ҳоллари рўй берди.

18-автопарк, 6-поликлиника, 56-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси комсомол ташкилотларида комсомол ички ишлари савияси паст, ишнинг ранг-баранг формаларидан, ёшларни сиёсий руҳда тарбиялашнинг таъсирчан шаклларидан оқилона фойдаланилмаяпти.

Район комсомол комитети, бошланғич комсомол ташкилотлари аҳоли турар жойларида, ёшлар ётоқхоналарида ишлашга етарлича эътибор беришмаяпти. Юқорида қайд этиб ўтилган нуқсонлар КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашни янада такомиллаштириш соҳасидаги жиддий суҳбат мавзуи бўлди, конкрет тадбирлар белгиланди.

• Саноат хроникаси

ЯНА ИККИТАГА КЎПАЙДИ

Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида ҳозир 30 хилдан ортиқ буюм фахрли белги билан ишлаб чиқарилмоқда. Бу буюмлар умумий маҳсулот салмоғида 37.9 процентни ташкил этади. Яқинда корхонанинг яна иккита маҳсулотига Сифат белгиси берилди. Булар табиий мўйинадан тайёрланган аёллар шляпаси ва сунъий мўйнадан тикилган қулоқчинлардир.

Мана уч йилдирки, фабрикада кенг миқёсда реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Янги ишлаб чиқариш корпуси фойдаланишга топширилиши натижасида чеварлар учун қулай меҳнат шароити юзага келди. Улар илгаригидан унумли ва сифатли ишлайдиган бўлиб қолдилар.

Корхонада юксак меҳнат самарадорлигига эришишда ишнинг янгича — бригада усулига ўтиб ишлаш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳозир фабрика ишчиларининг 50 процентга яқини янгича усулда меҳнат қиляпти.

ҲАМ СУРЪАТ, ҲАМ СИФАТ

Шаҳримиздаги 9-шина ремонт заводи коллективи олти ой мобайнида республика автохўжаликларининг 33,5 мингтадан ортиқ автомашинасини сифатли ремонтдан чиқариб берди. Бу топшириқда белгиланганидан 3 мингта кўпдир.

Коллективга бу йил 62 мингта шинани сифатли ремонтдан чиқариш, 350 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаш топшириғи берилган. Ҳозирги меҳнат суръатлари бу топшириқ сўзсиз бажарилишидан далолат беряпти. Бундан ташқари коллектив ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили учун қабул қилган оширилган мажбуриятларда ремонтдан чиқарилаётган автошиналар «умри»ни 2 процентга узайтириш белгиланган. Коллектив бу ваъдасини технологияни такомиллаштириш, ишчиларнинг касб маҳоратини ошириш, ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий этиш орқали бажаради.

«СИРҒАЛУВЧИ» ГРАФИК АСОСИДА

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-нон заводида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига давом этаётган зарбдор ҳафталикларда кондитер ва нон ёпиш цехлари коллективлари намуна бўлишяпти. Нон ёпиш цехи сирғалувчи график асосида ишлаб, узлуксиз маҳсулот тайёрлаяпти. Меҳнатнинг намунали ташкил этилиши натижасида ҳар куни Куйбишев ва Ҳамза районларининг савдо тармоқларига 6—7 тонна атрофида обинон етказиб берилляпти. 400 граммли обинонлар жуда сифатли, харидоргир.

Завод йил бошидан бери 1.700 тоннадан ортиқ нон-булка маҳсулотлари етказиб берди. Йил охиригача бу рақам уч минг тоннадан ортиб кетади. Корхонада сўнгги вақтда уч хил янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССРда енгил саноат корхоналарини барпо этиш чоғида эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми энг кўп ўрнак кўрсатган ходимларни 1982 йил 12 июль Фармонига биноан СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотлади.

162-қурилиш трести 3-қурилиш бошқармаси дурадгорлари бригадири Г. А. Иванов, Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмаси тўқувчиси Ш. У. Холмуҳамедова ва Фарғона «Облколхозстрой» трести 44-механизациялаштирилган колхозлараро кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи А. Холиқов Ленин ордени билан мукофотландилар.

«Союзмонтажлегмаш» тресги Новосибирск ихтисослаштирилган монтаж бошқармаси монтажчи слесари А. П. Вишнивецкий, «Узэлектромонтаж» ихтисослаштирилган тресги Андижон монтаж бошқармаси бошлиғи В. П. Дик, 162-қурилиш тресги 1-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Ф. Матғозиев, «Ферганнефтехиммонтаж» трести Қўқон «Продмонтаж» участкаси монтажчи слесарлари бригадири Р. Назиров ва «Андижанводстрой» трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бульдозер машинисти А. Уришев Октябрь Революцияси ордени билан мукофотландилар.

29 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 13 киши Халқлар дўстлиги ордени билан, 73 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан, 7 киши II даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 60 киши III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 91 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан ва 116 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирландилар.

Фармон «СССР Олий Совети ведомостлари»да ва Ўзбекистон ССРнинг область матбуотида эълон қилинади.

АГРЕССОР ТЎХТАТИЛСИН!

Ливанда Исроилнинг бандитларча агрессияси туфайли вужудга келган халқнинг ғазабнафрати кучайиб бормоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари бўлаётган кўпгина митингларда Ливанда, айниқса қамал қилинган Байрут атрофида вужудга келган оғир вазият муносабати билан ғоят ташвишланганликларини изҳор этмоқдалар. Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШ президенти Р. Рейганга мурожаатини якдиллик билан маъқулламоқдалар. Бу мурожаатда Исроил қўшинларининг ливанликлар ва фаластинликларни ваҳшиёна қирғин қилишни тўхтатишга даъват этилган. Тошкентдаги чинни заводида бўлиб ўтган кўп кишилик митингда Исроил агрессорлари ва уларнинг америкалик ҳомийларининг босқинчилик ҳаракатига қарши норозилик сўзлари зўр ғазаб билан янгради.

Рассом А. Қудратуллаев митингда нутқ сўзлаб бундай деди: — Ливан диёрида Исроил бошлаган қонли террор тобора кўпроқ мудҳиш тус олмоқда. Вашингтон босқинчиларни таъминлаган даҳшатли қурол-яроғлардан ҳар куни кўплаб тинч аҳоли — қариялар, болалар, аёллар ҳалок бўлмоқда. Байрутнинг ярим миллионли аҳолиси ғоят катта хавф остида қолди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Америка президентига йўллаган мурожаатда айтганидек, бугунги кунда ер юзидаги биронта ҳам софдил киши Ливанда Исроил босқинчиларининг қўлидан ҳалок бўлаётган одамларнинг даъватларига бепарво қараб туролмайди.

Митингда сўзга чиққан завод инженери Т. Маҳаматов, комсомол ташкилотининг секретари С. Усмонов ва бошқалар империалистларнинг Яқин Шарқдаги мудҳиш режаларини ғазаб билан қораладилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан СССР Транспорт қурилиши министрлиги «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси ўртоқ Павел Васильевич **Семёновни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ 1982 йил 12 июлда Москва вақти билан соат 15 дан 41 минут ўтганда «Прогресс-14» автомат юк кемаси орбитадаги бошқариладиган «Салют-7» — «Союз Т-5» комплекси билан туташтирилди, деб хабар беради ТАСС ахборотида.

△ Совет Иттифоқида Совет — Монголия дўстлиги декадаси тугади: Декада Монголия Халқ революциясининг 61 йиллигига бағишланди.

Россия Федерациясининг шаҳар ва қишлоқларида, Украина, Озарбайжон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Ёқутистон, Қалмоғистонда, бошқа иттифоқдош ва автоном республикаларда монгол халқи ҳаётидаги шонли санага бағишланган кўп кишилик йиғилишлар, кечалар ва митинглар бўлиб ўтди. МХРнинг социализм қурилишидаги ютуқларига, икки қардош мамлакат халқларининг дўстлигига бағишланган лекция ва суҳбатлар уюштирилди, виставкалар ташкил этилди. Ленинградда Совет — Монголия дўстлиги жамиятининг бўлими тузилди. Монголия тинчлик ва дўстлик ташкилотлари федерацияси ҳамда Монгол — Совет дўстлиги жамияти делегацияси билан, МХРнинг элчихонаси ходимлари билан учрашувлар ўтказилди. Совет кишилари қардош Монголия халқига социализм қурилишида, МХРП XVIII съезди қарорларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ҚЎПОЛ АРАЛАШУВ

Исроил агрессорлари билан изма-из Америка босқинчилари ҳам Ливанга суқилиб киришга интилмоқдалар. Тель-Авивнинг ана шу суверен давлатга нисбатан жинояткорона хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб ва қўллаб-қувватлаб келган Қўшма Штатлар эндиликда араблар тупроғида қилинаётган жиноятларда бевосита иштирок этиш йўлига тушиб олди.

Чет эл матбуоти АҚШ президенти Р. Рейганнинг Ғарбий Байрутга Америка қўшинлари қисмини юбориш режаларини худди ана шундай баҳоламоқда. Бу план Америка 6-флоти денгиз пиёда қўшинлари ёрдамида АҚШнинг Яқин Шарқдаги доимий ҳарбий иштирокини мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди. Айни вақтда Рейганнинг Яқин Шарқдаги вакили Ф. Хабибга Байрутда Вашингтоннинг ана шу райондаги гегемончилик муддаоларига мос тушадиган «кучли ҳукумат»ни ташкил этишга ёрдам бериш топширилган.

Кўпгина ташқи сиёсий шарҳчилар АҚШнинг Ливан ички ишларига мисли бўлмаган қўпол аралашуви Р. Рейганнинг яқинда Лондонда сўзлаган нутқида баён этиб берилган Американинг бош йўли — «аралашув доктринаси»нинг натижасидир, деган якдил фикрни билдирмоқдалар. Президент гўё АҚШ «ҳамма жойда эркинликни ёяётганлиги»» тўғрисида иккиюзламачилик қилиб, амалда Вашингтонга очиқдан-очиқ агрессия ва террорчиликка таяниб бутун дунёда хўжайинлик қилиш ҳуқуқини бериб қўйди.

Рейганнинг Англия пойтахтида сўзлаган нутқида Сальвадор озодлик учун кураш «намунаси», бу мамлакатдаги халққа қарши қонхўр диктатура «чинакам демократик режим» қилиб кўрсатилганлиги эсга олинса, Оқ уй Байрутдаги Америка найзаларига таяниб иш тутадиган «кучли ҳукумат»нинг бошлиғи ролини кимларга бериб қўймоқчи эканлиги аён бўлиб қолди. Ливан фалангистларининг раҳбари, ўз фаолияти билан Ливандаги ҳозирги қонли воқеаларнинг авж олишига ёрдам берган Б. Жмайель Вашингтон учун энг мақбул шахс сифатида тез-тез тилга олинмоқда.

Американинг 6-флоти десантчилари васийлигида бўладиган бундай «кучли ҳукумат» Ливаннинг мустақил араб давлати сифатидаги позицияларини бўшаштиришни ўзининг асосий мақсади қилиб қўйган бўлур эди. Аслида бунда гап Ливанни парчалаб юбориш ҳақида, унинг территорияси каттагина қисмини кўпчилиги Америка солдатларидан иборат «халқаро кучлар» томонидан босиб олиниши тўғрисида, АҚШ билан Исроил Яқин Шарқда арабларга қарши Кэмп-Дэвид сиёсатининг амалга оширилишига тўсиқ деб билаётган барча прогрессив кучларни заифлаштириш ҳақида бормоқда.

АҚШнинг Ливан ишларига очиқдан-очиқ аралашуви кучаймоқда. Бу ўринда шуни айтиш керакки, Хельсинкидаги кенгашда қабул қилинган якунловчи актда, яъни шу кенгаш қатнашчилари бўлган давлатлар бошқа мамлакатларнинг ички ишларига ҳар қандай аралашувдан тийилиб туришга аҳд қилган ҳужжатда Америка президентининг ҳам имзоси бор. Вашингтон Исроилнинг Ливандаги агрессиясига фотиҳа бериб, эндиликда Ливан ишларига бевосита аралашаётганлиги бу имзонинг сариқ чақалик ҳам қиммати қолмаганлигини кўрсатади.

С. КУЛИК,
ТАСС шарҳчиси.

АМАЛИЁТ БИЛАН МУСТАҲКАМ АЛОҚАДА

Марксча-ленинча ўқув, иқтисодий таълим, комсомол сиёсий маорифи системасида ўқув йили ниҳоясига етди. У Тошкентнинг кўпчилик меҳнат коллективларида юксак ғоявий-назарий савияда, самарали ўтди. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) ва май (1982 йил) Пленумлари қарорлари, уларда қўйилган вазифаларни конкрет амалга ошириш, ўн биринчи беш йиллик план ва мажбуриятларини амалга ошириш масалалари пропагандистлар ва тингловчиларнинг диққат марказида турди. Назария ва практиканинг бирлиги, ўқишнинг пойтахт меҳнат коллективлари иш самарадорлигини оширишга ижобий таъсири ўтган йиллар каби машғулотларнинг асосий хусусияти бўлди. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ўқув жараёнининг миқёсларини янада кенгайтирди, уни ранг-баранг қилди, мазмунини янада чуқурлаштирди.

Ушбу саҳифадаги материаллар ана шулар ҳақида, ўқув йилининг якунлари ва келгуси ўқув йилининг вазифалари ҳақида ҳикоя қилади.

Ўқув самарадорлиги ва сифатини оширайлик

К. П. ДУДИН,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

Шаҳар партия ташкилоти ўқув самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши натижасида пропагандист кадрларга таълим бериш ва уларни қайта тайёрлаш системаси ташкил топди. Шу мақсадда Тошкент область партия комитети сиёсий маориф уйи қошида, район партия комитетларининг сиёсий маориф кабинетлари қошида, йирик партия комитетларида мактаблар раҳбарларининг барча группалари учун доимий ишловчи семинарлар ташкил қилинди.

Шаҳар партия комитети 1981—1982 ўқув йилида назариянинг амалиёт билан алоқасини мустаҳкамлаб, тингловчилар билимини чуқурлаштириш, бу билимларни ҳар бир кишининг амалга оширишига эришишга асосий эътиборни қаратди.

«КПССнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари», «КПССнинг иқтисодий ва социал сиёсати», «Хўжалик механизмини такомиллаштириш» «Ривожланган социализм даврида ўсиб келаётган авлодни тарбиялашнинг актуал масалалари» ва бошқа курс ҳамда предметларни ўрганиш ана шунга ёрдам берди.

Тингловчилар тажрибали пропагандистлар, айниқса раҳбар ходимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, олимлар раҳбарлигида коммунистик бунёдкорликнинг назарияси ва практикасини чуқур ўзлаштирдилар. КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашда ўз ўринларини белгилаб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошира бориб, Тошкент шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунист ва партиясиз активларнинг сиёсий ўқуви самарадорлигини ва сифатини ошириш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар.

Марксча-ленинча назарияни, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, КПСС XXVI съезди ҳужжатларини, Л. И. Брежнев, партиянинг бошқа арбоблари асарларини коммунистларнинг чуқур ва атрофлича ўрганишига асосий эътибор қаратилди.

Мактаб ва назарий семинарларнинг раҳбарлари «Пропагандист —беш йилликка» ҳаракатида қатнашиб, тингловчиларга олган билимларини амалда қўллашларига доимо ёрдам бериб туришди. Шу мақсадда тингловчиларга амалий топшириқлар берилди. Реферат, диплом ишлари тайёрлаш ва ёқлаш, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракатида қатнашиш кенгайди. Бу иш айниқса В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 11-«Висотстрой» тресcти, трактор заводи, «Миконд» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа бир қатор корхоналар учун характерлидир.

Шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишни муттасил назорат қилиб боришди. Шу мақсадда ўқув йили бошида бир қатор партия ташкилотларига олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари олимлари биркитиб қўйилди. Улар машғулотларни ўтказишда мактаб ва назарий семинарларнинг раҳбарларига мунтазам амалий ёрдам кўрсатиб туришди. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги методларини ишлаб чиқишди ва жорий этишди. Тингловчиларга таълим беришнинг самарали методларини умумлаштиришди ва кенг ёйишди.

Шаҳар ва район партия комитетлари, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш бош бошқармалари бўлимлари ўқув йилида маориф ва медицина ходимлари учун мактаб ва назарий семинар ташкил этишга катта эътибор беришди. Аввалгидек ижодий интеллигенциянинг методологик семинарлардаги ўқувини такомиллаштириш давом эттирилди.

Марксча-ленинча таълимга партиявий раҳбарлик масалалари шаҳар партия комитети диққат марказида турди. Пленумларда, партия-хўжалик активи йиғилишларида, шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари бюроларида мунтазам муҳокама этилди.

Бироқ марксча-ленинча таълимга раҳбарлик борасидаги тажриба шуни кўрсатяптики, 1981 —1982 ўқув йилида шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотлари КПСС XXVI съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг партия ўқуви бўйича қабул қилган қарори асосида партия ўқувини такомиллаштиришнинг мавжуд имкониятларидан ҳали тўла фойдаланишаётгани йўқ. Шаҳар ва район партия комитетлари барча партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитети қарори талаб этганидек мустақил равишда сиёсий билимни оширишни жорий этишга, ўқувнинг проблемали методини, тингловчиларнинг ижтимоий-сиёсий практикасини актив ривожлантиришга эришолганлари йўқ. Ўқув йили мобайнида «Ўзбекклопкомаш», чинни ва химия-фармацевтика заводлари, Киров район озиқ-овқат савдоси бўлими, «Рассом» комбинати, чолғу-асбоблари фабрикаси ва бошқа бир қатор корхоналарнинг партия ташкилотларида ўқув жараёни юксак савиясини таъминлаш бўйича ташкилий-методик ишлардаги жиддий нуқсонлар очиб ташланди.

Шаҳар партия комитети 1981—1982 ўқув йилида марксча-ленинча таълимга раҳбарлик бўйича иш тажрибаларини умумлаштириб, КПСС Марказий Комитетининг коммунистлар ва активлар сиёсий ўқуви системасини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилган қарори талабларини бажариш учун барча чора-тадбирларни кўради.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети иқтисодий таълимга раҳбарлик бўйича барча ишларни шаҳар совети, район советлари ва 600 га яқин корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилган советлар орқали амалга оширмоқда.

Маълумки, ўқувнинг самарадорлиги ва сифати раҳбарлар составига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам шаҳар ва районларнинг, йирик корхоналарнинг иқтисодий таълим бўйича советлари партия комитетлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда иқтисодий таълим мактабларига раҳбарлик қилиш учун энг аввало хўжалик раҳбарларини, иқтисодчилар, халқ хўжалиги мутахассисларини бу ишга қизғин ва изчил жалб этдилар. КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми меҳнаткашларни экономика соҳасида янада юксакроқ натижаларга эришишга сафарбар этиш бўйича, совет кишилари фаровонлигини, уларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириш борасида конкрет вазифаларни белгилаб берди.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимига раҳбарлик борасида катта тажриба тўплаган. Бу ерда ҳар бир ишчининг план топшириқларини ошириб бажариш учун курашда, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини ошириш, унинг таннархини камайтириш учун курашда ўз ўрнини белгилаб олишларига ёрдам беришга ўқув-тарбия жараёни катта имконият яратмоқда. Тошкент ҳисоблаш техникасини ремонт қилиш тажриба заводида ҳам иқтисодий таълим яхши йўлга қўйилган.

Пропагандист кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларга ахборот бериш, хўжалик қурилиши вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга тингловчиларни сафарбар этишда уларнинг ролини ошириш, иқтисодий таълимга раҳбарлик бўйича Фрунзе район иқтисодий таълим совети кўп қиррали иш олиб бормоқда.

Иқтисодий таълим системасида 1981 — 1982 ўқув йили якунлари шуни кўрсатдики, кадрларни, барча меҳнаткашларни иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш КПСС XXVI съезди белгилаб берган иқтисодий ва социал вазифаларни бажаришнинг муҳим воситаларидан биридир.

Шу билан бирга иқтисодий таълимни такомиллаштириш ишида ҳали анчагина резервлар ҳам бор. Булардан партия ташкилотлари, иқтисодий таълим советлари ҳали тўла фойдаланишмаяпти. Тошкент темир йўл бўлинмасининг транспорт корхоналарида, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси, граждан авиациясининг 243-заводи ва бошқа баъзи корхоналар партия ташкилотлари иқтисодий таълим масалаларини ўрганиш якунлари кўриб чиқилаётганда ишнинг бу муҳим соҳасига етарлича раҳбарлик қилмагани маълум бўлди.

Шаҳар партия комитети иқтисодий таълим системасидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш, СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олишда унинг ролини ошириш юзасидан конкрет тадбирлар кўрмоқда.

• ЁШ КОММУНИСТЛАР МАКТАБИДА

ТАЪЛИМ САМАРАСИ

КПСС XXVI съезди кўрсатмалари ва КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида» қарорига амал қилиб, Фрунзе райони партия ташкилотлари ёш коммунистларни ғоявий чиниқтириш, уларда юксак сиёсий ва ахлоқий сифатларни тарбиялаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқда.

Район партия комитети ҳузуридаги ва партия комитетлари қошидаги 24 ёш коммунистлар мактабидаги машғулотлар ўқувнинг формаларидан бири бўлиб қолди. Ўтган бир йил ичида бу мактабларнинг тингловчилари партия ҳақидаги ленинча таълимот асослари, унинг революцион бунёдкорлик принциплари, партия Программаси ва Устави қоидалари билан чуқур танишдилар.

Ёш коммунистлар мактабида район партия комитети ва парткомлар тасдиқлаган раҳбарлар ва пропагандистлар орасида Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари А. Файзуллаева, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг КПСС тарихи кафедраси доценти А. Григорьян, «Таштекстильмаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари Н. Низомов, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари К. Собиров, тўқимачилик институти доценти К. Исмоилов ва бошқа кўплаб тажрибали идеология ходимлари бор. Ёш коммунистларнинг мураббийлари ёшларга ўзларининг бой билимларини, партиявий иш олиб боришни ўргатмоқдалар.

Район партия комитети, парткомлар ёш коммунистлар мактабидаги ўқиш жараёнини активлаштиришга интилмоқдалар. Пропагандистлар лекция ва семинар машғулотларида таълимнинг замонавий методлари, турли техника воситаларини қўлламоқдалар. Ёш коммунистларнинг мураббийлари машғулотларда проблемалар устида иш олиб боришга интилмоқдалар. Тингловчиларни актив фаолиятга чорлашмоқда. Масалан, тўқимачилик комбинати коммунистлари ўқув планининг айрим мавзулари бўйича ўз ўртоқлари ҳузурида рефератлар билан чиқмоқдалар. Масалаларни ўз коллективлари ҳаёти билан боғламоқдалар.

«Таштекстильмаш» заводи ёш коммунистлар мактабининг машғулотларида цех партия ташкилоти ишидаги турли конкрет ҳолларни таҳлил этиш тажриба қилиб кўриляпти.

Район ёш коммунистлар мактаби тингловчилари ҳузурида шаҳар ва район партия комитетларининг масъул ходимлари, корхона ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқмоқдалар.

Йирик партия ташкилотларида, В. И. Ленин музейи филиалида, шаҳар марксизм-ленинизм университетида ёш коммунистлар мактабларининг машғулотларини ўтказишни тажриба қилмоқда.

Ёш коммунистлар мустақил иш олиб бориш учун барча имкониятларга эгадирлар. Партия комитетларида, сиёсий маориф кабинетларида, кутубхоналарда тингловчиларга ёрдам бериш методик бурчаклари ишлаб турибди.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ёш коммунистларнинг меҳнатда, ўқишда, ижтимоий фаолиятда авангардлик ролини оширишга алоҳида эътибор бермоқда. «Янги техникага хизмат зонасини икки баравар кенгайтирайлик» шиори билан чиққан Каромат Ёқуббоева, «Бир беш йилликда—икки беш йиллик планни бажарайлик» ҳаракатига бошчилик қилаётган Шоира Тошматова ва бошқа кўплаб ёш коммунистларни ҳақли равишда социалистик мусобақа етакчилари дейишмоқда. Район партия комитетининг бюроси яқинда ёш коммунистлар мактабларининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Партия ташкилотлари эътиборини ёш коммунистлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва ёйишга қаратди.

Район партия комитети шаҳар партия комитетининг IV пленуми қарорларини бажара бориб, ёш коммунистлар мактабларининг энг яхши тажрибаларини умумлаштирмоқда, очиқ машғулотлар ўтказмоқда, пропагандистлар ўзаро иш тажрибаларини алмашмоқдалар. Ишнинг бу янги формаси ўз меваларини беряпти. Ёш коммунистлар мактаблари тингловчилари билан суҳбат ўтказилганда улар машғулотлардан коммунист учун зарур бўлган барча тайёргарликни олаётганликларини қайд этишди. Партия ташкилотлари партия аъзолигига кандидатларни КПСС сафига қабул қилаётганда уларнинг ана шундай яхши тайёргарликдан ўтишганини таъкидламоқда.

Районнинг ёш коммунистлари ўз ўртоқларини доимо олға ундаш учун, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш учун курашда ўз ўрни ва вазифаларини равшан тасаввур қилишлари учун таълим олмоқдалар.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
Фрунзе район партия комитетининг инструктори.

△ «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида «Тежамли экономика» курси бўйича машғулотлар юксак савияда олиб борилди. Бу ерда машғулотларни тажрибали пропагандист И. Басанько олиб бормоқда. У ўқув жараёнида корхона иши билан боғлиқ конкрет мисолларга кенг эътибор беради.

△ Т. Салимов 5-шаҳар стоматология поликлиникаси партия ўқуви системасида энг яхши пропагандистлардан биридир. У машғулотларга пухта тайёргарлик кўради, назарияни коллективнинг амалий ишлари билан боғлаб тушунтиради.

М. Нуриддинов фотолари.

• ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ УЧУН

Иқтисодий таълим системасида 1981-1982 ўқув йилида завод ходимлари экономика соҳасидаги билимларини бойитдилар. Экономика ва бошқариш асослари, иш самарадорлиги ва сифати масалалари, илмий-техника тараққиётининг иқтисодий проблемалари курслари изчил ўрганилди. Бу курслар программалари бир-бирини тўлдиради. Ишчилар ва мутахассисларда маҳорат, ташаббускорлик, тежамкорлик сифатларини тарбиялади. Пропагандистларнинг асосий вазифаларидан бири тежаб-тергаб фойдаланиш ҳиссини тарбиялашдир. Ҳар бир киши ишлаб чиқаришга бор имкониятларини ишга солиши, кам харж қилиб, кўпроқ маҳсулот етиштиришга интилиши керак.

1981—1982 ўқув йилида корхонада «Тежамкорлик — коммунистик фазилат» курси бўйича иқтисодий таълимнинг 26 мактаби, «Тежамли экономика» мавзусини ўрганиш бўйича 11 та мактаб, «Техника тараққиёти ва экономика» мавзуси бўйича 14 та мактаб ташкил этилди. Барча мактабларда ишчилар таълим олишди. Инженер-техник ходимлар ва конструкторлик бўлимларининг мутахассислари эса «Илмий-техника тараққиётининг иқтисодий проблемалари» курсини ўргандилар. Бу мавзу бўйича 8 та мактаб иш олиб борди. Барча мактабларда, машғулотлар олиб бориш учун цех ва бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, экономистлар, технолог ва мастерлар пропагандистлик ишига жалб қилиндилар. Улар ҳар бир мактабда таълим олаётган ходимларга ёрдам беришди, иқтисод ва тежамкорлик учун умумхалқ курашида ўз ўрнини топиб олишига ёрдамлашишди.

Ҳар бир мактабдаги машғулот мавзуи коллектив иши билан узвий боғлаб ўрганилди. Машғулотларда маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг сифати, меҳнат унумдорлигининг ўсиши каби масалалар муҳокама этилди.

Масалан, катта мастер Л. Гульцева бошчилик қилган йиғув цехи группасидаги машғулотни олайлик. Бу ерда турли ихтисосдаги, ҳар хил билим савиясига эга бўлган ишчилар меҳнат қилишади, раҳбардан уларнинг ҳар бирига ўзига хос ёндошиш талаб қилинади. Баъзи тингловчиларга саволлар беришга тўғри келади. Китобларни топиб бериш, материални тушунтириш лозим. Баъзилари билан эса суҳбат ўтказиш кифоя қилади. Ўқишнинг натижаси шундан ҳам кўриниб турибдики, бу коллективда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган, план масъулияти чуқур ҳис қилиняпти.

Бошқа бир йиғув цехида 1981 — 1982 йил ўқув йилида 110 ишчи икки йиллик иқтисодий таълим мактабларини битиришди. Экономикани ўрганиш уларга нима берди? Товар маҳсулоти сарфи 1 сўмга камайтирилди, меҳнат унумдорлиги ошди, энг муҳим номенкулатура планлари бажарилди. Бу ерда республиканинг ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажаришга аҳд қилган 15 илғор ишчиси бошлаган ташаббуснинг издошларидан бири Е. Карагодина меҳнат қилмоқда. Бу цехнинг кўпгина ишчилари графикдан ўзиб ишлашмоқда.

Курсларни ўрганиш пайтида тингловчиларнинг реферат ёзишлари тажриба қилинди. Тингловчи Н. Онишченконинг «Экономикага раҳбарликка янгича ёндошиш», тингловчи И. Назированинг «Хўжалик фаолияти натижаларини баҳолаш» рефератлари катта қизиқиш уйғотди. Иккинчи реферат муаллифи — техника таълими бўлимининг бошлиғидир. У ишчилар малакасини ошириш меҳнат унумдорлигини ўстиришга қанчалик таъсир қилишини ҳисоблаб чиқди.

Иқтисодий ўқиш бригада усулини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир заводда ишлаётганларнинг 45,1 проценти бригадаларга бирлашган. Бу бригадада ҳар бир аъзосининг маҳсулот ишлаб чиқаришнинг дастлабки босқичидан бошлаб то омборга тушгунича барча жараёнлардаги иш учун масъулият ҳиссини оширмоқда.

Иқтисодий таълим системасида ўқув йили КПСС Марказий Комитети май Пленуми материалларини ўрганиш билан ниҳоясига етди. Бу мавзуда иккита қўшимча машғулот ўтказилди. Иқтисод фанлари доктори, Тошкент транспорт инженерлари институти профессори С. Севликьянц тингловчилар ҳузурида «Совет халқининг фаровонлигини оширишнинг тарихий программаси» мавзуида лекция ўқиди. Кейин бу мавзу ҳар бир мактабда семинар тарзида муҳокама этилди.

Ц. СВИНЦОВА,
В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи партия комитети секретарининг ўринбосари, иқтисодий таълим бўйича совет аъзоси.

Сўз—тингловчиларга

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Мен Ново-Узбекистанская кўчасидаги тўққиз қаватли бинони қураётган комплекс бригадаға бошчилик қиламан. Бизнинг бригадамиз социалистик мусобақани тобора авж олдириб, социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаряпти.

159-трест ва 9-қурилиш бошқармасининг участка ва бригадалари СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзаро мусобақалашмоқдалар.

Ишда юксак натижаларга эришишга иқтисодий таълим мактаби ҳам муносиб ҳисса қўшяпти. Бизнинг комплекс бригадамиз ишчилари «Социалистик мусобақани ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш» курсини ўрганмоқдалар. Бизга 9-қурилиш бошқармаси план бўлимининг бошлиғи Э. Кутузова пропагандистлик қилмоқда.

1981—1982 ўқув йилида бизнинг мактаб ва пропагандист иши учун ўзига хос хусусиятлар нималардан иборат бўлди? Аввало, партия ўқувининг самарадорлигини оширишга эришяпмиз. Ғоявий-назарий ва хўжалик ишларининг бирлигини таъминлаяпмиз.

Пропагандист Э. Кутузова ишлаб чиқариш экономикасини яхши билади. Ҳар бир машғулотга пухта тайёрланади, бизнинг мустақил иш олиб боришимизга ёрдам беради.

Йил мобайнида тингловчиларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги ошди. Бригадада меҳнат интизомини бузиш, прогуллар, ичкиликбозлик ҳоллари бўлмади. Назарий билимлар тингловчилар олдида турган амалий вазифалар билан узвий боғлаб тушунтирилади. Э. Кутузова бригаданинг беш йиллик, йиллик ва ойлик план топшириқлари билан тингловчиларни таништиради.

Машғулотлар мобайнида бригадир мажбуриятларни бажариш учун резервлардан тўла фойдаланишни, барча қурилиш ишларини (монтаж ишларидан ташқари) ўз кучлари билан бажаришни таклиф этди. Бригададаги 21 киши монтажчилар билан биргаликда икки сменада иш олиб борди. Бригада пудрати бўйича ишлаб, қурилиш материалларидан оқилона фойдаланяпмиз. Ўқув йили охиридаги машғулотларда КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини ўрганишга катта эътибор берилди. Бригада шу йил топшириғини ва умуман беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилди. Ҳозир графикдан бир ой ўзиб ишлаяпмиз.

В. ПЕТРОВ,
159-қурилиш трести 9-қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси бошлиғи.

ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини изчил амалга ошириш йўлида пойтахтнинг кўпгина корхона, ташкилот ва муассасалари партия ташкилотлари бой тажриба тўплади. Қуйида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ш. Акбаров мухбиримизга шу йўналишда олиб борилган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

— Яқинда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш ва уларни тарбиялашни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Иқтисодий таълимнинг амалий йўналишини қатъий кучайтириш тавсия этилди. Назария ва иқтисодий сиёсатни ҳаёт билан, коллективларнинг конкрет вазифалари билан чамбарчас боғланган ҳолда ўрганишга эътибор кучайтирилди. Бу қарор 1981 — 1982 ўқув йили якунларини кўриб чиқиш чоғида ва янги ўқув йили вазифаларини белгилаётганимизда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Партия ўқуви ва иқтисодий таълимнинг бориши муттасил корхона партия комитети диққат эътиборида турди. Партком йиғилишларида бир неча бор машғулотларнинг савияси муҳокама этилди. Партия ўқувининг ўн битта мактабида машғулотларни ҳозирги талаблар даражасида олиб боришга муҳим эътибор қаратилди. Шу жумладан учта ёш коммунистлар мактабида, 7 та марксизм-ленинизм асослари мактабида ва 1 та илмий коммунизм мактабида ҳаммаси бўлиб, 227 коммунист ўз билимини оширди. Бу мактабларда 11 энг яхши пропагандистларимиз иш олиб боришди. Улар орасида Людмила Сидорова, Ирина Тарасенко, Назира Туроповаларни алоҳида қайд этиш керак.

Ўқув йили якунига кўра корхона маъмуриятининг буйруғи билан 5 пропагандист мукофотга сазовор бўлди. Улар орасида Людмила Сидорова, Фарида Сагаддинова бор.

Партия комитети пропагандистлар учун семинарлар ташкил этиб турди. Улар билан шахсий суҳбатлар уюштирди. Пропагандистлар зарур методик ёрдамни олиб турдилар. Партия комитетининг аъзолари мунтазам суратда мактабларда олиб борилаётган машғулотларда иштирок этишди, уларнинг савиясини кузатиб боришди. Масалан, Алестина Липатова, Қўчқор Пўлатовлар айниқса активлик кўрсатишди.

Ўқув йили якунлари партия комитети йиғилишида махсус кўриб чиқилди. Унда қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда ўз ишимизга танқидий кўз билан қарашга интилдик. Ҳақиқатан ҳам баъзи группаларда машғулотларни асоссиз равишда бошқа кунга кўчириш ҳоллари рўй берди. Масалан, пропагандист А. Смолянская группасида шундай бўлди. Бундан ташқари айрим машғулотларда ўқувни конкрет вазифалар билан, корхона фаолияти билан боғламаслик ҳолларига йўл қўйилди. Партия комитети янги ўқув йили вазифаларини белгилар экан, ана шундай нуқсонларнинг келгусида такрорланмаслик чораларини кўради. Негаки, партиямиз сиёсий маориф ва иқтисодий таълим шахобчалари пропагандистларининг олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўйган.

Масалан, юқоридаги қарорда партия ва комсомол ўқишининг барча формаларида партия иқтисодий назарияси ва сиёсатини ўрганишга эътиборни кучайтириш кераклиги қайд этиб ўтилган. Коммунистлар ва комсомоллар ҳозирги замон иқтисодий билимларни эгаллашда ва уларни амалда қўллана билишда ўрнак кўрсатишлари лозим. Иқтисодий таълимнинг қуйидаги структураси тасдиқланди: коммунистик меҳнат мактаблари, конкрет экономика мактаблари, иқтисодий семинарлар.

Пропагандистларга назарий ва методик ёрдамни кучайтириш, иқтисодий қурилиш актуал масалалари, Ватанимиздаги ва чет эллардаги илғор тажрибалар тўғрисида уларни биринчи навбатда хабардор қилишни талаб этилади. Қисқаси, янги ўқув йилига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш партия комитетининг биринчи галдаги муҳим вазифаларидан биридир.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида самолётсозлар Маданият саройи ҳузурида ташкил этилган рус халқ қўшиқлари ҳаваскорлик хори катта шуҳрат қозонган. Михаил Иванович Бусел ана шу хорнинг ташкилотчиси ва бадиий раҳбаридир. Утган йили ҳаваскорлик коллективи 60 дан зиёд концерт берди. Оммавий рус халқ қўшиқлари ва совет авторларининг асарлари хор коллективининг репертуаридан кенг ўрин олган.

СУРАТДА: ҳаваскорлик ҳор коллективининг чиқиши. В. Фёдоров фотоси. (ЎзТАГ).

МАДАНИЙ ТУРМУШ ФАЗИЛАТИ

ИНСОННИНГ ТАБИАТИ НОЗИК...

Меъёр — табиатнинг йўлдоши, соғлиқнинг посбонидир. Бинобарин, еб-ичишда ҳам, юриш-туришда ҳам ва ҳатто муҳаббат бобида ҳам меъёрни сақланг.

Абул ФАРОЖ.

Озиқ-овқат инсон организми учун, унинг ҳаёти жараёнида моддий таъминловчи манба бўлиб хизмат қилади. Овқатланиш тартибига риоя қилиш, унинг сифатли ҳамда тотимли бўлиши, шунингдек истеъмол қилинаётган таом ва табиат неъматларида ҳаёт учун зарур бўлган барча омилларнинг бўлиши киши саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, инсон умрининг боқий бўлишига олиб келади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, инсон ўзининг табиий физиологик эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилар экан, овқатланиш вақтидаги кайфиятнинг зиёда бўлиши дастурхонинг табиатлилигига, қолаверса овқатланишга тараддуд кўраётган кишининг ҳамсуҳбати, оила аъзолари, меҳмон ва дўст-биродарларининг очиқ чеҳрасига бевосита боғлиқдир. Яхши кайфият истеъмол қилинаётган таомнинг яхши сингишига ҳамда тотимли бўлишига замин яратмасдан қўймайди. Дастурхон устидан яхши кайфият билан туриши меҳнат кунининг самарали ўтишига, шунингдек ибратли дам олиб, ширин хордиқ чиқаришга ёрдам беради.

Авваламбор, киши хоҳ уйда, хоҳ жамоат тамаддихоналарида овқатланар экан, унинг учун зиёда кайфият яратиладиган омиллар билан таъминлашга ҳаракат қилинмоғи катта аҳамиятни касб этади.

Тўғрисини айтганда, баъзан овқатланаётганимизда кайфият жойида бўлмайди: кимдир, нимадир кишининг асаб торларига тегади, ғашини келтирадиган нарсаларга дуч келинади. Ҳар қандай асаб торини чертиб кетадиган нарса ўз навбатида киши кайфиятини «ошиқ-мошиги»дан чиқарибгина қолмай, тановул этилаётган таомга нисбатан иштаҳани бўғмасдан қўймайди.

Таниқли шифокор-олимларимиздан К. С. Петровскийнинг берган маълумотларига кўра, асаб-руҳиятда мавжуд бўлган ўзгаришлар, жиззакилик юрак-қон томир системалари фаолиятининг бузилишига асосий сабаблардан ҳисобланади. Асаб системасининг бузилиши фақатгина юрак-қон томир хасталикларининг «илдиз отишига» сабаб бўлмасдан, балки ошқозон-ичак ва бошқа аъзоларда касалик иллатлари пайдо бўлишига йўл очади.

Қиёс қилайлик, тушлик қилиш учун бирор ошхонага кирсангиз, шундай ҳаётий лавҳанинг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Ошхона бисоти бетартиб, ҳўрандалар ўтирадиган жойлар ивирсиган, курсилар усти овқат қолдиқлари ва пашшалардан ҳоли бўлмаган тақдирда ўтиришнинг ҳамсуҳбати, кайфият бузилиши турган гап. Ошпаз ва расамадди қилаётганлар чирк теккан, доғли халатларда бўлишса уларнинг тутган овқати сиз учун татимаслиги мумкин. Гоҳо ошпазнинг ўзи хўрандалар билан бевосита савдо қилар экан, ўша пул ушлаган қўли билан сизга овқат сузиши, нон кесиши, ўшт ва бошқа егулик масаллиқларни кесиб-тўғраши мумкин. Ҳаммамизга маълумки, пул кўпчиликнинг қўлида «муомалада» бўлади. Шундай экан, пулни хавфли юқумли хасталик билан оғриган кишилар ушлагач бўлиши воқеликдан ҳоли эмас. Бундай ошхоналарда овқатланган кишида ҳеч қандай зиёда кайфият, яхши ҳиссиёт бўлмаслиги табиий. Яхши, табиатли овқатланмаганлиги туфайли бундай кишиларнинг меҳнат ва ижод самараси баракали бўлмайди.

Мабодо киши тамадди қилаётган ошхона ниҳоятда табиатли, ораста, саранжом-сариштa бўлса, шунингдек бош кийими ва устки кийимларни ечиб қўйиш учун алоҳида жойлар ажратилган бўлса, қўл ювиш учун жўмраклар ва қуритувчи мосламаларнинг мавжуд бўлиши овқатланмоқчи бўлган кишининг руҳини ниҳоятда баланд қилмай қўймайди. Бундай ошхоналарга кирганингиздан мамнун бўласиз, баҳридилингиз очилиб, қўнгил ёришади. Ёзилган дастурхон, стол ва курсилар усти озодатоза бўлиб, унда салфеткалар, бир жуфтгина гул ёки чечаклар гулдонга қўйилган бўлса қандай яхши, кайфият ниҳоятда очилиб, қанот ёзиши табиий. Бундай пайтларда суҳбатдошингиз билан ғап ҳам уланиб кетади. Қозон атрофида парвона бўлган пазандалар, овқат тутаётган хизматчилар покиза кийинишган бўлиб, ширин забон, назокатли бўлишса истеъмол қилинаётган овқатни татишга ёрдам бермай қўймайди.

Ўрни келганида айтиб ўтиш лозимки, таомлар тоза ювилиб, силқитилган асбобларда тортилиши, қошиқ, вилька ва пичоклар ўз навбатида «йилгиллатиб» қўйилиши керак. Истеъмол қилинаётган таомларнинг юзаси ҳар хил ошқўк ва зираворлар билан безатилган бўлса, овқатга нисбатан иштаҳанинг очилишига ёрдам беради. Таом эса зўр иштаҳа билан ейилади.

Овқатланиш маданияти ҳақида ғап кетар экан, истеъмол қилинаётган таомларнинг ранг-баранг бўлиши устида тўхталиб ўтмасдан бўлмайди. Овқатнинг тури қанчалик кўп ва ранг-баранг бўлса, шунчалик киши дидига мос келадиган таомлар сайлаб олиниши осон бўлади, парҳез тутадиганларга ҳам бир қадар енгиллик туғдирилган бўлади. Афсуски, ҳозирда бир қатор жамоат ошхоналарида саноқли таом турлари тайёрланади. Бундай бўлиши албатта, ҳўрандалар учун анчагина ноқулайликлар тутдиради.

Шифокор олимларимизнинг фикрича, тайёрланаётган таомларнинг масаллиқлари танлаб олинишининг ўзи ҳам катта «санъат» ҳисобланар экан. Чунки масаллиқларнинг баъзилари инсон кайфиятини чандон яхшилашга ёрдам беради.

Диетолог олимларимизнинг айтишларига қараганда, жиззакиликка мойил бўлган кишилар гўштли таомларга ружу қўймасликлари лозим, иложи борича улар ўзларининг кундалик овқат рационларига табиат неъматларини қўшганлари маъқул.

Умуман олганда, инсон қаерда овқатланишидан қатъий назар, дастурхон атрофида кўтаринки руҳ бўлиши лозим. Дастурхон устида бўлаётган суҳбатлар иложи борича мураккаб масала, иш юзасидан бўлмай, балки кайфиятга эрк берадиган енгил ҳазил-мутойибадан иборат бўлгани маъқул. Инсон табиати нозик, ҳаммаси меъёрида бўлиши керак.

Баъзан дастурхон атрофида «ошатиш» каби ҳоллар бўлиб туради. Овқатни исроф қилмаслик ибратга арзигулик нарса-ку-я, бироқ «ошатиш», ниқтаб едириш бу, гигиеник жиҳатдан ҳамда медицина нуқтаи назардан жуда нотўғри.

Ошхона ва бошқа тамаддихоналарда хизмат қилувчилар озода кийинган, шунингдек соч ва соқоллари тартибга келтирилган бўлиши керак. Афсуски, баъзи савдо ходимлари, шу жумладан ошхона, кафе, ресторан соҳибалари оддий гигиеник қоидаларга риоя қилмайдилар: сочлари пешанавосидан, опала қилиб ёйилган, тирноқлари ҳаддан ташқари ўстирилган ҳолда хизмат қиладилар. Умуман олганда, киши ким ва қаерда хизмат қилишидан қатъий назар, ўзини, қолаверса бошқаларнинг саломатлигини сақлашда асосий омиллардан бири бўлган шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши лозим.

Ҳа, таомлар лаззатли, татимли бўлиши, дастурхонимиз кўркам ва покиза бўлишига не етсин. Кайфиятларчи, зиёда бўлгани қандай яхши!

М.НАБИЕВ,
доришунос.
И. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг овқатланиш гигиенаси лаборатория мудири.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон. Шундай ажойиб замонда бахтли яшаётган эканмиз, маданий турмушимиз ҳар биримиздан янада гўзал фазилатларни тақозо этади. Шу муносабат билан газетамизда «Маданий турмуш фазилати» деган янги рубрика ташкил этдик. Унда маданий-маиший турмушимизга, кексалар ва ёшлар ҳаётига доир қизиқ воқеалар, овқатланиш, кийиниш ва муомала-муносабат масалалари, озиқ-овқатларни асраш ва исроф қилмаслик ҳақида мақолалар бериб борилади.

Янги рубрикани қизғин давом эттиришда олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, ўқитувчилар, шифокорлар, ишчи-хизматчилар, моҳир пазандалар ва кўп сонли оқшомхонларнинг хат-хабарлари муҳим омил бўлади. Редакция Сизларнинг хатларингизни кутади, азиз оқшомхонлар.

Маданият хроникаси

«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ДИЁРИМ»

Кинешма шаҳридаги картиналар галереясида «Ўзбекистон — менинг диёрим» мавзуида виставка очилди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган экспозицияда республика график рассомларининг олтмишдан ортиқ асари қўйилган.

Бу ерда Анвар Бахтеевнинг «Тошкент метроси», Инна Васильевананинг «Эскирмайдиган касблар», Кутлуғ Башаровнинг «Машҳур меҳнат кишилари», Абдураҳхор Маҳкамовнинг «Ўзбек миллий ўйинлари», Алишер Мирзаевнинг «Бахмал манзаралари» график асарлари туркуми намойиш этилган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Марат Содиқовнинг «Ғазли» литографияси экспозициядан жой олган.

Бу — Ноқоратупроқ зона меҳнаткашларини Ўзбекистон тасвирий санъати билан таништирувчи учинчи бадиий виставкадир. Ивановода ва Владимир шаҳарларида картиналар ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари виставкалари бундан сал илгарироқ намойиш этилган эди.

• • •

ХОНАДОНДА МУЗЕЙ

Фарғонадаги тўқимачилик комбинатининг мастер ёрдамчиси Вячеслав Калинин хонадонидаги барча мебеллар, рўзғор буюмлари ва ҳатто безак буюмларини унинг ўзи ёғочдан ясаган. Калинин хонадонини чинакам амалий санъат музейи дейиш мумкин.

Калинин ўймакорлик санъатига ҳавасни юқори малакали, дурадгор бўлган отасидан мерос қилиб олган. Вячеслав отаси бошчилигида ўзининг ёғочдан ясаган биринчи бадиий панноси —«Эртак рўёбга чиқди» асарини яратди. Унинг шу асари, шунингдек, Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» қиссаси асосида яратган ўймакорлик миниатюралари мамлакатимизда ва чет элларда намойиш қилинди.

Фарғоналик моҳир устанинг ўймакорлик усуллари ўзига хосдир. Калинин шарқ усулларини ва айни вақтда дагистонлик кумуш ўймакорлари, рязанлик каштачилар, туркман гилам тўқувчилари санъати кирраларини жамулжам этган. Ҳар қандай амалий санъат музейини безайдиган ажойиб ўймакорлик нақшлари ана шундай юзага келади.

М. ЛУРЬЕ,
ЎзТАГ мухбири.

ESPANA 82

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Испания этюдлари

Хайрли кеч, ҳурматли тошкентлик футбол мухлислари! Сизларга Мадрид шаҳридан салом!

Бутун жаҳондаги ишқибозларни ҳаяжонга солган футбол байрами якунланди. XII-жаҳон чемпионати ҳақиқий маънода катта футбол мактаби бўлиб қолди. Бу қўлланмада энг илғор гоя ва тенденциялар баён қилинди. Бундан буён жуда кўп футболчилар Испанияда кўрсатилган ўйинларга тақлид қилиши аниқ. Бу ерда очиқ ва ҳужумкор ўйин кўрсатилди. Тренерларнинг кўрсатмаси асосида бир хиллик билан ҳаракат қилишга барҳам берилди. Чиройли комбинациялар ишлатиш, тўп билан муомалада ўзига хос маҳорат кўрсатиб, жон куйдириб ўйнаш буларнинг ҳаммаси учрашувларда сезилиб турди.

Ҳар жиҳатдан футбол мухлисларини ўзига жалб қилиб олган ярим финал учрашувларидан кейин бундан ҳам чиройлироқ ва мазмунлироқ ўйин бўлиши мумкинми деган савол туғилган эди. Наҳотки, финалчилар футболнинг қизиқарли ва ҳаяжонлилигини ошириш учун яна бирор нарса қўшишса?

Аликант шаҳрида учинчи ва тўртинчи ўрин учун учрашув ўтказилди. Майдонда Польша Халқ Республикаси ва Франция терма командалари беллашди.

Тўғрисини айтганда, французлик футболчилар учинчи ўринни эгаллашга қодир эдилар. Мишель Идальгонинг командаси техник жиҳатдан катта тайёргарликка эга, тез ҳаракат қилади, нафис комбинациялар ишлатади, звенолар тўла комплектланган. У финалда ўйнашга қодир команда эди. Ҳа, команда ўйинининг чиройлилиги ва қизиқарлилиги, футболчиларнинг етук маҳорати билан ана шундай шарафга эга эди. Аммо французлик футболчиларда ҳал қилувчи дақиқаларда ўзларини тутиш, ирода, қатъий қураш етишмади. Кейинчалик маълум бўлишича учинчи ва тўртинчи ўрин учун бўлган учрашув айрим ўйинчиларнинг ўзига хос кўрсатган инжиқликлари командага қимматга тушди. Мақсадга эришиш учун барча имкониятни ишга солиш керак бўлган дақиқада футбол ишқибозлари ва тренерлар томонидан анча эркалатиб қўйилган Платини ва Рошто майдонга чиқишдан бош тортишди. Улар учинчи ўрин учун курашиш ўзларига ўхшаган ўта маҳоратли футболчилар учун шараф эмас деб ҳисоблашди.

Франция терма командасининг устози бу учрашувда жуда кўп нарсаларни ҳал қилишга мажбур бўлди. Жароҳатланган Батистон ва Лякомб, ниҳоятда чарчаб қолган Босси, Жиресс Этторининг ўрнига бошқа ўйинчиларни туширишга мажбур бўлди.

Айтиш керакки, французликлар и н г тренери бу вазифани бажарди. Аморо, Жанвийон, Трезор, Тигана атрофига уюшган команда учрашувни ишончсизлик билан бошлади. Биринчи бўлимда французликлар жуда кўп марта қулай имкониятларга эга бўлишди. Фақат бир мартагина муваффақиятга эришдилар холос. Ҳужумчиларга ёрдамга етиб келган Жерар узоқ масофадан тўпни кучли зарб билан тепди. Тўп дарвоза тўсинига тегиб, тўрга бориб тушди — 1:0.

Ана шундан кейин Антонин Пехничекнинг шогирдлари ўзларининг жанговар характерини намойиш этишди. Улар тезкорликни оширибгина қолмай, ҳужум кетидан ҳужум уюштиришди. Бонек—Жмуда—Шармах комбинациясидан кейин ҳисоб тенглашди. Бу сафар ҳам олдинги аҳвол такрорланди. Шармах тепган тўп дарвоза устунига тегиб, тўрга бориб тушди — 1:1. Французлик футболчилар шундан кейин бироз бўшашиб қолишди. Улар учрашувнинг 45-минутида қўпол хатога йўл қўйдилар. Натижада ҳимоячи Маевский худди ҳужумчи сингари бош билан тўпни дарвозага йўллади.

Орадан кўп ўтмасдан дарвозабон Костанеда яна қўпол хатога йўл қўйди. Имкониятдан фойдаланган Купцевич ҳисобни 3:1 га етказди. Французлик футболчилар ҳал қилувчи дақиқаларда ўзларини тутиш, ирода, қатъий қураш етишмади. Кейинчалик маълум бўлишича учинчи ва тўртинчи ўрин учун бўлган учрашув айрим ўйинчиларнинг ўзига хос кўрсатган инжиқликлари командага қимматга тушди. Мақсадга эришиш учун барча имкониятни ишга солиш керак бўлган дақиқада футбол ишқибозлари ва тренерлар томонидан анча эркалатиб қўйилган Платини ва Рошнинг баъзилари инсон кайфиятини чандон яхшилашга ёрдам беради.

Диетолог олимларимизнинг айтишларига қараганда, жиззакиликка мойил бўлган кишилар гўштли таомларга ружу қўймасликлари лозим, иложи борича улар ўзларининг кундалик овқат рационларига табиат неъматларини қўшганлари маъқул.

Умуман олганда, инсон қаерда овқатланишидан қатъий назар, дастурхон атрофида кўтаринки руҳ бўлиши лозим. Дастурхон устида бўлаётган суҳбатлар иложи борича мураккаб масала, иш юзасидан бўлмай, балки кайфиятга эрк берадиган енгил ҳазил-мутойибадан иборат бўлгани маъқул. Инсон табиати нозик, ҳаммаси меъёрида бўлиши керак.

Баъзан дастурхон атрофида «ошатиш» каби ҳоллар бўлиб туради. Овқатни исроф қилмаслик ибратга арзигулик нарса-ку-я, бироқ «ошатиш», ниқтаб едириш бу, гигиеник жиҳатдан ҳамда медицина нуқтаи назардан жуда нотўғри.

Ошхона ва бошқа тамаддихоналарда хизмат қилувчилар озода кийинган, шунингдек соч ва соқоллари тартибга келтирилган бўлиши керак. Афсуски, баъзи савдо ходимлари, шу жумладан ошхона, кафе, ресторан соҳибалари оддий гигиеник қоидаларга риоя қилмайдилар: сочлари пешанавосидан, опала қилиб ёйилган, тирноқлари ҳаддан ташқари ўстирилган ҳолда хизмат қиладилар. Умуман олганда, киши ким ва қаерда хизмат қилишидан қатъий назар, ўзини, қолаверса бошқаларнинг саломатлигини сақлашда асосий омиллардан бири бўлган шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши лозим.

Ҳа, таомлар лаззатли, татимли бўлиши, дастурхонимиз кўркам ва покиза бўлишига не етсин. Кайфиятларчи, зиёда бўлгани қандай яхши!

М.НАБИЕВ,
доришунос.
И. ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари институтининг овқатланиш гигиенаси лаборатория мудири.

Италия ва ГФР терма командалари ўртасида бўладиган финал учрашуви олдидан жуда кўп таҳминлар ва фикрлар билдирилди, жуда кўп нарсалар ёзилди. Ҳар икки коллективнинг финалгача босиб ўтган йўли синчиклаб таҳлил қилинди.

Кўпчилик учрашувдан учрашувга қудратини ошириб бораётган ва жанговар ўйин кўрсатаётган италияликлар ғолиб чиқишади деган умидда эди.

Энцо Беарзотнинг шогирдлари майдонда кўрсатган чиройли комбинациялари, иродаси, тезкорлиги билан кўпчиликнинг эътиборини қозонишган эди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқалари юзаки қараганда ўта эҳтиёткорлик билан ўтди. Ҳар икки команда илҳом учқунини пойлаётгандек эди. Италия терма командаси составида Жанкарло, Антонини, Франческо Грациани бўлмаганлигига қарамасдан майдонда ўз усулига амал қилди. Уларнинг ҳужумлари хавфли ва кучли бўла бошлади. Биринчи бўлимнинг охирларида ГФР терма командасининг ҳимоячиси Фёрстер қоидани бузиш билан ўз командасини хавфдан сақлаб қолди. Афсуски Кабрини 11 метрлик белгидан тўпни дарвозага йўллай олмади.

Иккинчи бўлимда италияликларнинг устунлиги яққол кўзга ташлана бошлади. Улар майдонда тез ва эркин ҳаракат қилишди. Энг асосийси яхши кайфият билан ўйнашди. Шу боисдан ҳам жуда чиройли комбинацияларни ишлатишга муваффақ бўлдилар. Шунинг учун ҳам Юпп Дервалнинг шогирдлари уларнинг олдида бироз эринчоқ ва оғир бўлиб қолишди. Учрашувнинг 56-минутида италияликлар биринчи марта муваффақиятга эришишди. Тарделли ва Антонелли ўзларининг энг мерган ҳужумчиси Паоло Россини қулай вазиятга чиқаришди. Худди шу ерда Росси ўзига хос афсонавий қаҳрамонлик кўрсатди. У жуда аниқлик билан олдинга чиқди ва тўпни қабул қилиб олди. У уч ҳимоячининг ўртасида турган бўлишига қарамасдан дарвозага тўпни йўллади. Шундай қилиб Росси Испания чемпионатида дарвозага олти марта тўп киритиб, ўзига хос рекорд ўрнатди ва чемпионатнинг қаҳрамони бўлиб қолди.

Дарвозага киритилган тўп ҳамиша командага илҳом бағишлайди. Муваффақиятдан руҳланган италияликлар яна икки марта шиддатли ҳужумни муваффақиятли якунлашди. Бу билан улар учрашувни томоша қилгани келган ўз республикаларин и н г президенти ниҳоятда завқланишига ва майдоннинг чеккасигача тушишига сабаб бўлишди. Айтгандай, ГФРнинг канцлери ҳам Мадриддаги финал учрашувни томоша қилгани келган эди.

Аввал, Марко Тарделли ниҳоятда кучли зарбага эга эканлигини исботлади. У узоқ масофадан тўпни тепиб давозани нишонга олди, кейин эса Альтобелли ўзини кўрсатди. У тўпни Контидан қабул қилиб олиб, ГФР терма командасининг уч ҳимоячисини алдаб ўтди. Ёлғон ҳаракати билан Шумахерни ҳам олдинга чиқишга мажбур қилди. Ана шундан кейин тўпни бўш дарвозага йўллади — 3:0.

Ана шундан кейин кучли иродага эга бўлган ГФРлик футболчилар бу сафар учрашув тақдирини ўзгартира олмасликлари ҳаммага маълум бўлиб қолди. Бунинг устига учрашувнинг тугашига ҳам жуда оз вақт қолган эди. Ғарбий германиялик футболчилар сўнгги дақиқаларгача бор куч ва имкониятларини ишга солишди. Натижада дарвозага тўп киритишга муваффақ бўлишди. Брайтнер дарвозани нишонга олди. Лекин улар бошқа ҳеч нарса қилолмадилар.

Шундай қилиб, 44 йиллик танаффусдан кейин Италия терма командаси яна Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Ҳа, италиялик футболчилар учинчи марта Жаҳон Кубогининг эгалари бўлишди.

Шу билан азиз дўстлар, Сизлар билан хайрлашишга рухсат этгайсизлар. Доимо сог-саломат бўлинг! Футбол деб аталувчи, асло қаримас ва шу билан бирга қувонч бахш этувчи ўйинларда яна учрашгунча хайр!

Сизнинг НАРАНХИТОНГИЗ.

Мадрид, 12 июль.

(Наранхитонинг Испаниядан йўллаган репортажларини футбол шарҳловчимиз Эдуард АВАНЕСОВ қабул қилиб борди).

Шаҳримиз марказида жойлашган М. Горький номидаги болалар парки шу кунларда айниқса гавжум. Паркда бу йил кичкинтойларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун яна бир қатор аттракционлар ишга туширилди.

СУРАТЛАРДА: М. Горький номли болалар паркида. М. Нуриддинов фотолари.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ЖАВЛОНОВ: Ўтган йили КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Аҳолининг социал таъминотини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинган эди. Шу қарорга кўра, қарилик ва инвалидлик бўйича пенсиялар миқдори оширилдими?

Жавоб: Юқоридаги қарорга мувофиқ қарилик ва инвалидлик бўйича пенсияларнинг миқдори 1981 йил 1 ноябрдан оширилди. Жумладан, қарилик пенсияси 45 сўм бўлган бўлса 50 сўмгача оширилди. I группа инвалидлик бўйича 70 сўмдан 75 сўмгача, II группа инвалидлик бўйича 45 сўмдан 50 сўмгача, III группа инвалидлик бўйича меҳнатда жароҳатланганлик учун 25 сўмдан 30 сўмгача, умумий касаллик учун 21 сўмдан 26 сўмгача оширилган.

* * *

Б. СОАТОВ: Уйлари бузилган граждanларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби қандай?

Жавоб: Давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиниши муносабати билан гражданларнинг шахсий мулкидаги уйжойлар бузиладиган бўлса, мазкур гражданларга, уларнинг оила аъзоларига давлат ёки жамоат уй-жой фонди уйларидан белгиланган нормаларда квартира берилади. Бундан ташқари, уй-жой эгаларига, уларнинг хоҳишига қараб, бузилаётган уйнинг қиймати, иморатлар ва қурилмалар қиймати тўланади ёки уларнинг истаги билан мазкур уйлардан, иморатлардан чиққан материаллардан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Гражданларнинг истигига қараб, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари уларга (квартира бериш ўрнига) уй-жой қуриш кооперативлари аъзолигига навбатсиз кириш ва бу кооперативлардан квартира олиш имкониятини яратиб беради.

СССР Министрлар Совети белгилаб қўйган ҳолларда, уйлари бузиладиган граждanлар учун уларнинг хоҳишига қараб янги жойда уй, иморат барпо этилиб, шу гражданларнинг шахсий мулкига ўтказилиши мумкин. Бунда бузиладиган уйлар, иморатларнинг қиймати тўланмайди.

* * *

Х. АЛИЕВ Янги квартира олаётган оилаларга уй-жой саҳнининг нормаси қандай белгиланади?

Жавоб: Уй-жой саҳнининг нормаси ҳар бир киши бошига камида тўққиз квадрат метрдан иборат бўлиши белгилаб қўйилган.

Айрим категориядаги гражданларга уй-жой саҳни нормасидан ташқари алоҳида хона тарзида ёки ўн квадрат метр ҳажмида қўшимча уй-жой майдони берилади. Баъзи сурункали касалликларнинг оғир формасига чалинган гражданларга, шунингдек бажарадиган иш шароитлари ва характерига кўра уй-жой саҳни зарур бўлган гражданларга қўшимча уй-жой саҳнининг миқдори қўпайтирилиши мумкин.

* * *

Х. АББОСОВ: Шаҳар территориясида асалари сақлаш мумкинми?

Жавоб: Тошкент шаҳри территориясида асалари сақлашга рухсат берилади. Ўялар сони чеклаб қўйилмаган. Лекин кўп қаватли уйларда асалари сақлаш мумкин эмас. Ҳар қандай уй ҳайвонлари ва паррандалар қатори асаларилардан ҳам ветеринария кўригидан ўтказиш лозим.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

13 ИЮЛЬ, 1982 й.

ЖАҲОН ЙИҒИНЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЮКСАК БАҲО

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон бош министри Индира Ганди ҳинд олимларининг миллий ривожланиш ишига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берди. И. Ганди Ҳиндистон илмий ва саноат тадқиқотлари кенгашининг конференциясида нутқ сўзлаб, республиканинг илмий доираларини мамлакатни тараққий эттириш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш учун бундан буён ҳам кучгайрат сарфлай беришга даъват этди.

Ҳиндистон ҳукумати илмий тадқиқотларни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 150 тага яқин миллий лабораториялар ишлаб турган бўлиб, булар билимларнинг турли тармоқларига ихтисослаштирилмоқда. Ҳиндистон илмий ходимлари сони жиҳатдан дунёда учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ҳиндистон олимлари космик фазони тадқиқ этиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, геология соҳаларида ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Республикада илмий тадқиқотлар амалий проблемаларни ҳал этиш билан чамбарчас қўшиб олиб борилмоқда.

Ҳиндистонни социалиқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик планида илмфанни ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Ана шу планга мувофиқ илмий изланишлар учун сал кам 34 миллиард рупия сарфланади.

ИШСИЗЛАР КЎПАЯДИ

ПАРИЖ. Ғарб мамлакатларида шу йил ва келгуси йил бошларида иш билан таъминлаш проблемаси янада кескинлашади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг бу ерда тарқатилган докладида шу ҳақда гапирилади. Ҳужжат авторлари шу ташкилотга аъзо бўлган 24 та мамлакатда мазкур йил охиригача жами ишсизлар қарийб 31,5 миллион кишига етади ёки меҳнатга қобилиятли аҳолининг 9 процентини ташкил этади, деб ҳисобламоқдалар. Ғарбий Европада ҳар ўн кишидан бири меҳнат қилиш қуқуқидан маҳрум бўлади.

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ТОКИО. Бултур Японияда 20 мингдан ортиқ киши ўзини-ўзи ўлдирган. Киодо Цусин агентлиги шу ҳақда хабар берар экан, уларнинг 30 процентга яқини 60 ёшдан ошган кишилар эканлигини таъкидлайди. Уй ё ижара ҳақи, медицина хизмати ҳақининг муттасил ошиб бораётганлиги, озиқ-овқат ва энг зарур молларнинг нархи баландлиги қарияларнинг бюджетига оғир ботмоқда. Кўп йиллар мобайнида йиғилган жамғармалар бир пасда сарфланиб бўлмоқда. Шу тариқа чала қурсоқ ҳаёт кечириш одамларни шундай қилишга мажбур этмоқда.

* * *

Ҳозирги вақтда Япония йўлларида ҳар куни 20 дан кўп киши ҳалок бўлмоқда. Мамлакат полиция бошқармасининг маълумотларига кўра, йилнинг биринчи ярмида автомобиль йўл ҳодисаларида 4 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлган. Бу —кейинги бир неча йил ичидаги энг юксак даражадир.

* * *

Япония авиация компаниялари мамлакат транспорт министрлиги ҳузуридаги граждан авиацияси бошқармасига мурожаат этиб, Осака шаҳри аэропортида қушларга қарши чоралар кўришни илтимос қилди. Ҳар йили бу аэропортда самолётлар учиб чиқаётганда ва қўнаётганда қуш галалари билан 20 га яқин тўқнашув қайд этилмоқда. Бир қанча ҳолларда авария вазиятлари вужудга келди.

* * *

МЕХИКО. Мексиканинг Сан-Луис-Потоси шаҳридаги Мария Гуадалупе Хименес беш эгизак —уч қизу икки ўғил туққан. Врачларнинг хабар қилишларича, эгизаклар ва онанинг аҳволи қониқарли.

Мексикада биринчи марта шундай беш эгиз туғилган.

(ТАСС).

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

СОФИЯ. Софиядаги икки институт —В. И. Ленин номли олий машина-электротехника институти ҳамда кийимкечак ва тўқимачилик институтининг мутахассислари металлаштирилган химиявий тола тайёрлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу технология бир қанча афзалликларга эга бўлиб, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайди, автоматлаштириш жараёнида кам ҳаражат билан ундан фойдаланиш мумкин.

Янги технологияга мувофиқ ишлаб чиқарилган газламадан қишлоқ хўжалигида, жумладан, гулхоналарнинг устини ёпиш учун фойдаланиш мумкин. Саноатнинг бошқа тармоқларида ва медицинада уларни электромагнит ва радиоактив нурланишдан химоя қилувчи восита сифатида қўлласа бўлади. Уларни қўлланишдан ҳосил бўладиган самара газламанинг шу вақтгача ишлаб чиқарилган шу хилдаги нусхаларига нисбатан 40 баравар ортиқдир.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ



Ўзбекистон ССР мебель саноати министрлиги ҳузуридаги

140-ШАҲАР УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

станокчи, фанерчи, дурадгор, ёғочни қайта ишлаш асбоб-ускуналарини созловчи, прессловчи, юмшоқ мебелларни қоплавчи-безовчи. Ўқиш муддати — 1 йил; бадиий ва бежамдор мебеллар дурадгори, мебелсоз дурадгор. Ўқиш муддати — 3 йил; ошхона мебелларини ишлаб чиқарувчи мебелчи-дурадгор. Ўқиш муддати — 1 йил ва 3 йил.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8 — 10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, бепул кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 проценти билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

3 йил муддатли таълим группасини тамомлаганлар диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан кириш учун йўлланма оладилар.

Билим юрти янги замонавий комплексда жойлашган. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги ва спорт комплекси ишлаб турибди.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Спутник массиви, 4-квартал (58, 75, 40-автобуслар, 19-троллейбуснинг 140-ГСПТУ—бекати).

2-АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича авиация саноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради.

Учувчи аппаратларини йиғувчи слесарь, сонли программали бошқариладиган станокларнинг автоматлари ва контроль-ўлчов асбобларининг созловчиси, программавий бошқариладиган станокларнинг оператори, буёқчи-сувоқчи, токарь, фрезерчи, механик-йиғув ишлари слесари, саноат асбоб-ускуналарининг ремонтчи-слесари, ОТК контролёри.

Билим юртига 15—25 ёшдаги 8—10 синф маълумотдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 синф ҳажмида маълумотлиларга — 3 йил. Ўқувчилар ўқишни битиргач ҳунар билан айни вақтда тўлиқ ўрта маълумот ҳам олиб чиқадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўз касблари бўйича олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз қабул қилинадилар; 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати —10 ой.

3 йил муддатли таълим группаларига қабул қилинган ўқувчилар овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар; 10 синф маълумотидагилар эса ойига 64 сўм 77 тийин ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртида Беруний номидаги Тошкент политехника институти ҳамкорлигида Тошкент шаҳар олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлов курслари ишлаб турибди.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ҳамма ўқувчилар меҳнат ҳақининг 33 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юрти программавий асбоб-ускуналар билан қуролланган 12 та фан кабинетига эга. Бу кабинетлар замонавий техника воситалари билан ҳам мукаммал жиҳозланган.

Билим юрти қошида спорт секциялари ишлаб турибди, ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгарагида, вокаль-чолғу ансамблига, авиация тўгараги машғулотларига фаол қатнашадилар.

Билим юртини тугатганлар Тошкент политехника институтининг кечки ва сиртқи бўлимларига — самолётсозлик ва механика факультетларига, шунингдек, бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин.

Билим юртини тамомлаганлар ўз ихтисослари бўйича В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида иш билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар —(якшанбадан ташқари) **ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Тошкент областидан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, Авиационная проезди, 10-уй. Телефон 41-89-01.

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ

95-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

металл бўйича токарь, механика-йиғув ишлари слесари, ремонтчи слесарь, электр пайвандчи, электр кўприкли кран машинисти, ОТК контролёри, автослесарь фрезерчи.

Ўқишга 15 дан 25 ёшгача бўлган 8—10 синф маълумотидагилар таклиф қилинади.

Ўқиш муддати: 8 синф маълумотидагиларга — 2 йил, 10 синф маълумотидагиларга — 1 йил.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради. Билим юртини тугатганлар юксак малакали мутахассис дипломини оладилар, шунингдек, олий ўқув юртига ва техникумларига имтиёзли шартлар билан кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар 2 йил муддатли таълим группаси ўқувчилари тўла давлат таъминотида бўладилар, 1 йил муддатли таълим группаси ўқувчилари техника билим юрти программасига кўра ойига 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртида, чунончи, юқорида санаб ўтилган барча ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш 6 ойлик курслари ташкил этилади. Билим юртига электр пайвандчи, электр кўприкли кран машинисти ихтисосликларидан ташқари қолган барча мутахассисликларга исталган ёшдаги кишилар қабул қилинадилар.

Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: 700077, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй, (1, 4, 17, 24, 63, 102-автобуслар, 17, 18-троллейбуслар, 13, 22-трамвайларнинг **«Партия мактаби», «М. Горький»** метроси).

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

секретарь-машинистка, секретарь-стенографистка, иш юритувчи, чизмачи-конструктор, ЭВМ оператори, ЭВМ программисти, ўйин автоматларига хизмат кўрсатувчи механик, ЭВМга хизмат кўрсатувчи ва ремонт қилувчи механик.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга 10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юрти техника воситалари билан яхши жиҳозланган аудиториялар, шунингдек, замонавий ҳисоблаш марказига эга. Унда ўқувчилар танлаган касблари бўйича мукаммал малака оширадилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик, техника ижоди тўгараклари, вокаль-чолғу ансамбли, турли спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртини тамомлаганлар турли министрлик ва идораларга, йирик ҳисоблаш марказлари ва конструкторлик бюроларига ишга юбориладилар, ўқишни аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, 84-алоқа бўлими, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко» номли институт» бекати). Телефонлар: 35-52-12, 35-61-09.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» базасидаги

22-ШАҲАР УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

қурувчи-дурадгор, қурувчи-бўёқчи, облицовкачи-плитачи-мозаикачи, электр газ-пайвандчи. Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига 8 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Дурадгор, паркетчи, облицовкачи, электр пайвандчи. Ўқиш муддати — 1 йил. 10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкентда пропискада турадилар.

Ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари ўқиш даврида уч маҳал овқат, иш кийими ва парад формаси билан таъминланадилар, практика даврида эса ишлаган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар.

Бир йил муддатли таълим ўқувчилари ойига 30 сўм стипендия оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кирадилар.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, вокаль-чолғу ансамбли, спорт секциялари, отиш тири ишлаб турибди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Зелёний базар»: 1-трамвайнинг, 22-автобуснинг «Дегтяров кўчаси» бекати).

178-ШАҲАР УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти метро қурилишида ишлаш учун қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: газ-электр пайвандчи, сувоқчи-бўёқчи, мармар ва гранит билан пардозловчи, автокран бошқарувчиси, дурадгор, пардозловчи-кошинкор-мозаикачи, лаҳмчи-монтажчи-кучлантирувчи, ерости лаҳм қазиш механизмларининг слесарь-монтажчиси, автомобилларни ремонт қилувчи слесарь, контроль-ўлчов приборлари, автоматика ва саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи слесарлар. Ўқиш муддати — 3 йил:

Сувоқчи-бўёқчи, автокранчи, дурадгор, автомобилларни ремонт қилувчи слесарлар. Ўқиш муддати —1 йил.

8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

10-синф маълумоти билан ўқишга кирган ўқувчиларга ҳар ойда 94 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8-синф маълумоти билан ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўладилар. Уларга бепул кийим-кечак ва уч маҳал овқат берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспортининг ходимлари қатори имтиёзлардан фойдаланадилар, аъло баҳолар билан битирганларга эса Транспорт қурилиши министрлигининг олий ва ўрта таълим муассасаларига йўлланма берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Д—20 квартали (29, 50, 78-автобусларнинг «Ётоқхона» бекати).

171-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчиклар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электрмонтажчилар, электр пайвандчилар. Ғишт терувчи-монтажчилар, дурадгор-паркетчилар, облицовкачи-плиткачилар, ёғоч ва ганч ўймакорлари.

Ўқиш муддати — 6 ой ва 1—3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақи билан таъминланадилар

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри —81, Домбраобод кўчаси, 74-уй (54, 50, 70, 79, 80, 34, 103, 123-автобусларнинг «16-Поликлиника», 16- троллейбуснинг «Домбраобод» бекатлари). Телефон 77-49-53.

Ф. ХЎЖАЕВ НОМИДАГИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДА ОЧИЛГАН

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: пойафзал қисмларини бичувчи, загатовка тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, моделли пойафзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий хордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи, туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (1, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беради.

Ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчи, радиоаппаратуралар ва асбобларни монтаж қилувчи ва регулировкачи, технологик асбоб-ускуналарини созловчи, токарь-фрезерчи.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида ва атрофида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати: 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил. Ўрта маълумотлилар учун — 1 йил.

Ўқишга қабул қилинган ўрта маълумотли ўқувчилар 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар. 8-синф ҳажмида маълумотлилар эса тўлиқ бўлмаган давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Қабул комиссияси билим юрти биносида В. И. Ленин номидаги Тошкент электротехника заводининг кадрлар бўлимида ҳар куни ишлайди.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Весна кўчаси, 17-уй. Телефон 91-14-51.

158-ШАҲАР УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти Тошкент шаҳри қурилишларида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

Қурилиш дурадгори, қурилиш бўёқчиси, пардозловчи-кошинкор-мозаикачи, сувоқчи-пардозловчи-кошинкор, газ пайвандчи.

Ўқиш муддати — 5 ой ва 1 йил.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БУЛГАН 15—25 ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати — 3 йил. Ўқувчилар касб эгаллаш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўз ихтисосликларидаги олий ўқув юртига имтиҳонларсиз қабул қилинади.

10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати — 5 ой ва 1 йил.

3 йиллик таълим бўйича қабул қилинган ўқувчилар овқат, махсус кийим-кечак билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида барча ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бадиий ҳаваскорлик, техника ижоди тўгараклари, вокаль-чолғу ансамбли бор.

Билим юртини битирганлар политехника институтининг кечки ёки сиртқи бўлимларига, шунингдек бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин.

Билим юртини битирганлар «Главташкентстрой» системасида ўз ихтисосликлари бўйича иш билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келган ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси 44-уй (28, 64, 65, 62, 43«э», 11«э», 17«э», 100, 76, 27-автобуслар, 1, 2, 4, 7, 17, 18-троллейбуслар, 7, 8, 11, 1, 16-трамвайларнинг «Хадра» бекати).

Ҳунар-техника таълими системасидаги билим юртларига ўқишга кириш учун қабул комиссияларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: ҳунар-техника билим юртига қабул этиш ҳақида мазкур билим юрти директори номига ариза (танланган касб аниқ кўрсатилиши шарт), ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), учта фотосурат (3 х 4 см.), корхона ёки ташкилот (агарда ўқишга кирувчи шахс мазкур ташкилотлар томонидан юборилаётган бўлса)нинг йўлланмаси.

Ўқишга кирувчи билим юртига келган заҳоти қабул комиссиясига паспорти, чақирилиш қоғози (ҳарбий, хизмат ёшидаги кишилар учун) ёки ҳарбий билетини (запасдаги ҳарбий хизматга лаёқатли кишилар учун) кўрсатади, зотан бу ҳақда сўнг ўқишга кирувчининг шахсий варақасида қайд этилади.

Билим юртига қабул ҳақидаги аризани топширганлар ўзлари танлаган касби бўйича ишлашга жисмоний лаёқатли ва соғлиғига мувофиқ келишини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

КИНО

13 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎЗГАЛАР БАЗМИДА» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61). **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«АЧЧИҚ ШУВОҚ ЎТИ» — **Дружба** (тоқ соатларда). **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Фестиваль** (21.45, телефон 32-78-02).

«ИСТЕЪФОДАГИ МАҚТАНЧОҚ НОҒОРАЧИ» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30). **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07). **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«РАССОМ РАФИҚАСИНИНГ ПОРТРЕТИ» — **Восток** (тоқ соатларда). **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ОЛТИН ЖУНЛИ ҚУЙЛАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Чайка** (жуфт соатларда).

«ОФИЦИАНТ, ҲАҚИНГИЗНИ ОЛИНГ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Хива** (ёзги бинода, 22.00, телефон 32-78-02).

«КАРНАВАЛ» — **К. Ерматов номли** (17, 18, 20, 21.00, телефон 24-22-66).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

13 ИЮЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 «Асли болаликдан». 18.00 «Ёшлар адреслари». 19.00 «Расмларда куёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси Академик рус халқ чолғу ансамблининг концерти. 20.00 «Фан оламида». 20.30 Франция телевидениесининг программаси. 21.30 «Время». 22.05 «Поэзия». Владимир Маяковский. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноилова.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 С. Воронцов чалади (гитара). 19.10 «Мумкинми, кирсам». Ёш оила муаммолари ҳақида. 20.00 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Ватан манзаралари». Фильм-концерт. 21.00 Спорт ҳафталиги. 21.30 «Время». 22.05 «Лабиринтдаги узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Алдар кўса». «Ўрмон эртаклари». Мультфильмлар. 18.30 «Дўстлик поезди». Болалар учун фильм-концерт. 19.00 «Абитуриент-82». В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Қардошлик мушоираси». 20.15 «Буғу сўқмоғида». Фильм-манзаралар. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақс гулшанида». Маъмура Эргашева. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси». 22.35 Телевидение экранида биринчи марта. «Умид юлдузи». Бадиий фильм. 2-серия. 23.55 Янгиликлар.

14 ИЮЛЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Халқ ижодиёти». 10.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 11.25 Д. Шостакович «Хор ижроси учун революцион шоирларнинг шеърларига ёзилган 10 та поэма. 12.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «80-йиллар коммунистлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 Болалар учун фильм. «Расмус-дайди». 1-серия. 17.10 «Ольга Берггольц поэзияси». 17.50 «Горичилар, қаердасиз!». 18.35 «Инсон ва қонун». 19.05 «Лолалар ҳақида қўшиқ». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 П. И. Чайковский. «Ромео ва Жульетта» увертюра-фантазияси. 19.50 «Механик пианино учун тугалланмаган пьеса». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида ёзувчи Г. Троепольский билан учрашув. 23.30 «Дунё воқеалари». 23.45 Сузиш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Буюк ўзгариш». Бадиий фильм. 11.00 Мультфильмлар программаси. «Уччалови Простоквашинодан», «Простоквашинода таътиллар». 11.35 «Қайсин Қулиев поэзияси». 12.05 Немис тили. 12.35 Болалар учун фильм. «Ханжар». 3-серия. 13.45 «Инсон ва робот». Илмий-оммабоп фильм. 14.35 Г. Свиридов ижодида Пушкин мотивлари. 15.20 «Фан оламида». 16.00 Мари АССР «Марий эл» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 16.30 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 Грузия ССР халқ рассоми И. Тоидзе. 19.15 «Бауманликлар». Телевизион очерк. 19.45 «Архангельск» музей-қўриқхонаси». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Арарат» — «Спартак». Ереванданолиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Капитан». Телевизион бадиий фильм. 12.00 Абитуриентлар учун. Биология. 12.30 «Умид юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 18.45 «Кичик сеҳргарлар». Цирк программаси. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». М. Стельмах. Туғилган кунининг 70 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 «2 миллион тонна «қаҳрабо дон» учун!» 21.05 «Олтин водий куйчиси». Фильм-концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Тармадан қочиш». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Боқиевлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.40 Реклама. 19.00 «Алкоголизмга қарши ўт очайлик!» 19.30 «Ўз орбитангни топ». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Куз эҳсонлари». Телевизион фильм. 20.30 «Мен каби кора». Телевизион бадиий фильм (рус.). 21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 32-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 32-90-50.

13 ИЮЛЬ, 1982 й.

Р—07335.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри В-2524. Индекс 64691.